

Мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевоқиф ва эътибори самарасида спортнинг барча турлари жадал ривожланиб, спортчиларимиз халқаро арена-ларда ўз сўзини айтишмоқда.

Ҳаммамизга маълум, юртимизда узоқ йиллар хоккей унутилган, спорт тури сифатида рўйхатлардан ўчган эди. Аммо кейинги ўн йилликда вазият тубдан ўзгарди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қишқик спорт турларини, жумладан, хоккейни ривожлантиришга қаратилган бир қатор қарор ва фармонлар имзоланди. Муҳташам «Хумо арена» мажмуаси барпо этилди, «Алломий» муз саройи қайта тикланди. Хоккей бўйича Ўзбекистон чемпионати мунтазам ўтказиб келинмоқда, ушбу спорт тури ёшлар орасида оммалашиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 23 сентябрдаги «Хоккей спорт турини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу спорт турини юртимиздаги нуфузини ошириш борасидаги ишларни янги bosқичга олиб чиқди.

Эътибор ва гамхўрликнинг меvasини эса бугун кўриб турибмиз. Шу йилнинг 13-19 апрель кунлари Гонконгда бўлиб ўтган шайбали хоккей бўйича жаҳон чемпионати III В дивизиони баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси чемпионликни қўлга киритди.



YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Ishonch

2026-yil,
21-aprel,
seshanba
№47
(5267)

● Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

● O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Кеча Тошкент халқаро аэропортида қаҳрамон спортчиларни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси вакиллари кўпчиликни ташкил этди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Чунки, мусобақага терма жамоани тайёрлаш, муносиб иштирокини таъминлаш борасидаги ишларда касба уюшмалари Федерациясининг алоҳида ўрни бор. Шу билан бирга, терма жамоамиз таркибининг асосини Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси хоккейчилари ташкил этади.

– Президентимизнинг ёшларга ва спортга қаратаётган эътиборига жавобан хоккейчиларимиз бундан кейин ҳам Осиё ва жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда қатнашиб, яхши натижаларга эришади, – дейди терма жамоа мураббийи Абдумажид Носиров. – Агар шу кетишда давом этсак, икки-уч йилда I дивизионга чиқишимиз мумкин. Энди келаси йил хоккейчиларимиз жаҳон чемпионатининг III дивизионнинг А гуруҳида Ватанимиз ишарини ҳимоя қилишади.



Жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 5 та учрашув ўтказиб, барчасида йирик ҳисобда ғалаба қозонди. Умумий ҳисобда рақиблар дарвозасига 97 та шайба киритилди. Хусусан, хоккейчиларимиз рақибларни қўйидаги ҳисобларда мағлуб этишди:

- Ўзбекистон – Монғолия – 26:1.
- Ўзбекистон – Филиппин – 28:3.
- Ўзбекистон – КХДР – 20:3.
- Ўзбекистон – Люксембург – 14:0.
- Ўзбекистон – Гонконг – 9:4.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»
Қувончбер Тўраев олган сурат

YANGI O'ZBEKISTON YOSHLARI 2030 STRATEGIYASI

Президент Шавкат Мирзиёев «Янги Ўзбекистон ёшлари – 2030» стратегияси лойиҳаси юзасидан тақдимот билан танишди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

Давлатимиз раҳбари «Жамоат саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида трансмиллий наркотихидларга қарши курашиш» мавзусидаги халқаро форум иштирокчиларига мурожаат йўллади.

O'zbekiston aviatsiya xodimlari kasaba uyushmasi I Majlisi Tashkent - 2026

ХОДИМЛАР МАНФААТИ УСТУВОР

Ўзбекистон авиация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг I Мажлиси ўтказилди. Унда ўтган йил якунлари сарҳисоб қилиниб, келгуси устувор вазифалар белгилаб олинди.

Мажлисида тармоқ ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Алишер Муллабеков сўзга чиқиб, тизимда амалга оширилган ишлар, эришилган натижаларга тўхталди. Унинг таъкидлашича, тармоққа 27 та корхона ва ташкилот бириктирилган бўлиб, уларда 18 000 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Ҳисобот даврида «Хумо – Тошкент халқаро аэропорти» МЧЖда янги бошланғич ташкилоти тузилиб, аъзолар сафи янада кенгайди.

Ўтган йили касба уюшмалари томонидан меҳнат муносабатларини тартибга солиш, жамоа шартномалари ва тармоқ келишувларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Йирик авиация корхоналари билан ҳамкорликда тузилган жамоа шартномалари орқали ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари янада мустаҳкамланди. Иш ҳақи бўйича қарздорликларни барта-

раф этиш юзасидан ҳам тизимли чоралар кўрилди. Жамоатчилик назорати асосида олиб борилган ишлар натижасида мавжуд қарздорликлардан маълум бир қисми қисқартрилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишида ҳам муҳим натижаларга эришилди. Хусусан, иш жойларини аттестациядан ўтказиш, ходимларни махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, ишлаб чиқаришдаги хавфларни камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хуқуқий ҳимоя масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Йил давомида 650 га яқин меҳнат шартномалари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар экспертизадан ўтказилди. Келиб тушган мурожаатларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш йўналишида тизимли

ишлар олиб борилди. Уюштирилган спорт мусобақалари, соғломлаштириш тадбирлари жамоаларда соғлом муҳитни шакллантиришга хизмат қилди. Ёшлар снэсати доирасида «Ёшлар авиация форуми» ташкил этилиб, мутахассисларнинг касбий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисида касба уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш, хусусан, ёшлар билан ишлашни кучайтириш, меҳнат муҳофазаси тизимини мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш устувор вазифалар этиб белгиланди.

Шундан сўнг иштирокчилар Ўзбекистон касба уюшмалари тарихи музейида бўлиб, мамлакатимизда касба уюшмалари ҳаракатининг шаклланиши ва ривожланиш бошқичлари ҳақидаги маълумотлар билан танишдилар.

Муҳаммадазиз ҚУДРАТИЛАЗИВ,
Авиация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши мутахассиси

1211 рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Меҳнат фаолиятининг салкам чорак асрини касба уюшмалари соҳасига бағишлаган Норхол Раҳматова пенсияга чиққанига ҳам салкам ўн беш йил бўляпти. Аммо у нафақага чиққач, уйда оёқ узатиб ўтиришни ўзига эп кўрмади. Янгиланишларга бой замонда эзгу ишларга яна ҳисса қўшиши келди. Ота касби – деҳқончиликни жонлантирди. Эътиборлиси, у ташкил этган фермер хўжалиги Тойлоқ туманидаги энг донгдорларидан бирига айланди.

– Касба уюшмаларидаги жўшқин меҳнат, одамлар дарди билан яшаш туйғуси бу ташкилотга бўлган ҳурматини чандон ошириб юборган, – дейди Норхол опа. – Бўш вақт топдим дегунча, жамоат ташкилотига бўлим келаверади.

Ўтган кузда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида Тойлоқ туманининг «Богизогон» маҳалласида касба уюшмалари боғида асос солинган. Бу ташаббус Норхол Раҳматованинг кўнглига чўғ солди. Ахир у ҳам касба уюшма аъзоси. Қолаверса, тасарруфида етарлича ер бор. Ана шу майдоннинг бир қисмида мўъжазгина касба уюшмалари боғи ташкил этиб, одамларга дам олиш учун шароит яратса, нимаси ёмон?! Режаларини аввал оиласида фарзанду набира-лари билан пиштириб олди. Бир

ТАБАРРУК ЁШДА ҲАМ ЭЗГУЛИКЛАРГА БОШ

СОҲА ФАХРИЙСИ МАҲАЛЛАДА
«КАСАБА УЮШМАЛАРИ БОҒИ» БУНЁД ЭТМОҚДА

қарорга келишгач, фикрини Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Сўҳроб Рафиқовга етказди. Ташаббус нафақат касба уюшмалари, балки туман ҳокимлиги томонидан ҳам қўллаб-қувватланди.

Тумандаги «Комронбек – Козимбек – Нозимбек» фермер хўжалигида бунёд этилган боғдаги биринчи ниҳолни Норхол опа ўз қўли билан ўтказди. Ҳудуд иқлими, ер шаротидан келиб чиққан ҳолда боққа юргимизда униб-ўсувчи гилоснинг барча турларидан эди. Келажакда бу ерда мўъжаз шийпончалар қад ростлаб, одамларнинг дам олишига, табиат инъомларидан баҳраманд бўлишига шароит яратилади.

– Опа илк меҳнат фаолиятини «Олмасор» давлат хўжалигида бригада бошлиғи сифатида бошлаган. Ташкилотчилиги, ташаббускорлиги боис хўжалик касба уюшмаси қўмитаси раиси, кейинчалик шу хўжалик директори вазифаларини бажарди, – дейди касба уюшмалари фахрийси, «Эҳтиром» нишонли соҳиб Садриддин Аслидинов. – 1997 йилдан Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Тойлоқ тумани кенгаши раиси, 2005 йил-

дан то пенсияга чиққунга қадар тармоқ касба уюшмалари вилоят кенгаши раиси вазифаларида меҳнат қилди. Соҳадаги тузилмавий ўзгаришлар жараёнида ҳам раҳбар сифатида аъзолар сонини кўпайтириш, дала меҳнаткашлари манфаатини ҳимоялашда жонбозлик кўрсатди...

Етмиш ёшли Норхол опа ҳали-ҳамон тетик. Фарзанду набиралар тарбиясида қаттиққўл. Катта набираси Комронбек Самарқанд давлат университетига, Козимбек эса Тошкент халқаро Вестминстер университетига, Нозимбек Самарқанд «Ипак йўли» туризм университетига, Мехрибон Нукус давлат тиббиёт университетига тахсил олмоқда.

– Мактабда ўқийтган кенжа-той набирам Маъмура билан ҳар куни янги боғни айлана-миз, – дейди Норхол Раҳматова. – Бу чорбоғ нафақат оиламиз, балки ҳамқишлоқларимиз учун ҳам мўътабар масканга айланиб борапти.

Ҳа, табаррук ёшида эзгу ишларга бош бўлаётган «Меҳнат фахрийси», «Мўътабар аёл» кўнрақ нишонлари соҳибасининг ташаббуси, ғайрат-шижоати ўзгача...

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

ҚАЧОНГАЧА ИСМ-ШАРИФИМИЗНИ ХАТО ЁЗАМИЗ ВА БУНДАН ОР ҚИЛМАЙМИЗ? >>> 3

ҲАР СЎЗИДА ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ БОР >>> 4

**Хар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.
Алишер Навоий**



**Ёш ишчи-ходимлардан таркиб топган 20 дан ортик жа-
моа иштирокида уюштирилган футбол турниридан Маъруф
кўтаринки кайфиятда қайтди. Кувонмасинми, Ўзбекистон
касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши
раиси кубоги учун кечган бахслар аъло даражада ташкил
қилинди, ғолиблар ҳам муносиб рағбатлантирилди.**

«СИЗ КАСАБА УЮШМАСИДА ИШЛАЙСИЗ-А?..»

Энди икки қатор изоҳ ёзиб, му-
собақа фотосуратларини ижти-
мой тармоққа жойлаштириши
керак. Шу дам телефони жиринглади
ва гўшақдан нотаниш қизнинг овози
янгради: «Сиз касаба уюшмасида
ишлайсиз-а?..»

Сухбатдошининг хаяжонли сўз-
ларидан маълум бўлдики, Жиззах
шаҳридаги электр жиҳозлари тайёр-
ланадиган кўшма корхона ишчилари-
нинг маоши 500 минг сўмга қисқар-
тирилган. Ўзбекистон касаба уюшма-
лари Федерацияси Жиззах вилояти
кенгаши раисининг ёшлар масала-
лари бўйича маслаҳатчиси Маъруф
Абдурахмонов мурожаатчидан ман-
зилни аниқлаштириб, эрта тонгда
етиб боришга ваъда берди.

Эртаси кунни келишилган вақтда
юрис тасма билан корхонага бор-
ганида вазиет янада мураккаблаш-
ганига гувоҳ бўлди. Зеро, иш ҳақи би-
лан боғлиқ ўзгаришдан жамма норози,
МЧЖ мутасаддилари эса бунга жав-
бан ҳаммани ишдан бўшатиб юбориш
билан таҳдид қилаётган экан.

Воқеалар ривожига касаба уюшма ва-
киллари ҳамда раҳбарият ўртасида
ўтказилган музокарадан сўнг сокин-
лашди. Бу жараёнда хорижий тад-
биркорларга мамлакатимиз меҳнат
қонунчилиги, хусусан, ишчиларнинг
ҳуқуқ ва ваколатлари ҳамда ходим-
ларни ноқонуний бўшатиш оқибат-
лари тушунтирилди. Натижада ҳеч
ким ишдан кетмади, маошлар ҳам

камайтирилмади. Айтганча, орадан
икки кун ўтгач, кўшма корхонада бош-
ланғич касаба уюшмаси ташкилоти
тузилди.

Тизимдаги қарийб 9 йиллик фао-
лияти давомида Маъруф Абдурахмо-
нов бу каби қўллаб муаммолар ҳал қи-
линишига ҳисса қўшиб келади. Шу-
нингдек, касаба уюшмаларининг ёш
аъзолари ўртасида мунтазам равишда
спортнинг сузиш, волейбол, фут-
бол, баскетбол, стол тенниси, шах-
мат-шашка, бадминтон турлари бўй-
ича муسابақалар ҳамда «Ёш китобхон»,
«Ёш мутахассис», «Ёш меҳнат муҳофа-
заси ходими» танловларини уюшти-
ради. Чунинчи, 2025 йилда 50 дан ор-
тик, жорий йилнинг ўтган даврида
эса 11 та спорт ва маданий-маърифий
тадбирлар ўтказилишига бош-қош
бўлди. Кези келганда айтиш керакки,
қахрамонимиз футбол, баскетбол ва
волейболни яхши ўйнайди, бадний
адабиётни севади. Бу жиҳатлар у таш-
кил қилаётган тадбирлар савиясида
ҳам сезилапти.

Кўтлуг саналарда меҳнат фахрийла-
рини йўқлаш ҳам Маъруф Абдурахмо-
нов етакчилигидаги ёшлар зиммасида.
Шунингдек, хотин-қизларни ижти-
мой қўллаб-қувватлаш бўйича «Аёл-
лар дафтари» ҳисоботларини юритмоқ
ҳам унга ишониб топширилган.

Яна бир маълумот: Маъруф Жиз-
зах политехника институтининг ку-
рилиш ҳамда Ўзбекистон Миллий
университети Жиззах филиалининг

иктисодий факультетларини тамом-
лаган. Компьютер дастурларини жуда
яхши ўзлаштирган. Мобилографияга
ҳам қизиқади, ора-сира касаба уюш-
малари фаолиятига доир видеоролик-
лар тайёрлайди.

– Институтни тамомлаганим-
дан сўнг ўзимга мос иш қидира бош-
ладим, – дейди у. – Алоқа компания-
си ҳамда вилоят касаба уюшмалари
кенгашига бир вақтда суҳбатга қа-
ришди. Касаба уюшмаларида одам-
ларга яхшилик қилиш имконияти
кенг, дейишгани учун шу соҳани тан-
ладим. Чунки отам эрта вафот этгани
боис рўзгор юкини барвақт елкага
олишимга тўғри келган. Яъни анча-
гина қийинчилик кўрганим учун од-
дий одамларга нафим тегишини ўй-
ладим. Адамлар эканман. Ушбу
тизимда фаолият юритар экансан,
деярли ҳар кунни кимнингдир дардини
аритасан. Бу сенга ўз устингда мунта-
зам ишлашга ундайди. Пировардида,
дарё ўзанидаги тош янглиғ қайрала-
сан, мукамаллашасан.

Табииyki, мақолаимиз қахрамони-
нинг меҳнатлари муносиб эътиро-
фини топмоқда. У Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерацияси, Федерация-
нинг вилоят кенгаши ҳамда вилоят
хокимлигининг 20 дан ортик фахрий
ёрлик, ташакурнома ва сертификат-
лари билан тақдирланган.

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

Фидойилар ҳақида ҳикоялар

ЁҚУБЖОН ОТАНИНГ ОДАМИЙЛИК САБОҚЛАРИ

– Ёрдамингиз билан ишга тиклангандим. Бу яхшилингизни
ҳеч қачон унутмайман...
– Иш ҳақимни ундириб бериш учун қанчалар жон койитгандин-
гиз. Доим дуодаман...



Ёқубжон Мадаминов бу
каби самимий миннат-
дорлик сўзларини кўп
эшитган. Илик тилаклардан
қалбига ёруғлик инган, умри
беҳуда ўтмаётганидан шодлан-
ган.

У касаба уюшмасида ишлаб
юрган кезларда бир воқеа юз
берилади. Ёш мутахассис ўзи
яшайдиган худуддаги мактаб-
га ишга жойлашиш учун неча
бор мурожаат қилса-да, турли
баҳоналар билан рад жавобини
олади. Масалага Ёқубжон Ма-
даминов аралашган, муаммо
ижобий ҳал этилади. Ишга
қабул қилинган ёш педагог
сидқидилдан меҳнат қилиб,
кейинчалик илгор раҳбарлар-
дан бирига айланади.

Бугун 85 ёшни қаршилаёт-
ган Ёқубжон ота билан суҳбат-
лашсангиз, ҳаётининг ҳикоялари
тутамайдди. Уларда оғир кеч-
ган болалик, етимлик, моддий
етишмовчиликка қарамай,
илмга интилган, касб-хунар
ва тил ўрганишга бел боғла-
ган йигитнинг матонати акс
этади.

1960 йили самолётсозлик
хунар-техника билим юртини
тамомлаб, заводда йиғувчи-чи-
лангар бўлиб иш бошлаган
Ё.Мадаминов кейинчалик Тош-
кент давлат университетининг
филология факультетида тах-
сил олди. Ҳарбий хизматдан
сўнг мактабда ўқитувчи, ди-

ректор ўринбосари ва раҳбар-
лик лавозимларида фаолият
юртди.

Фидойи инсон 1999-2010
йилларда Таълим ва фан хо-
димлари касаба уюшмаси-
нинг Гулистон тумани кен-
гашига раҳбарлик қилди. Бу
лавозимга унинг номзоди
ҳамкасблари томонидан бир
овоздан маъқулланди. Шунга
яраша меҳнатқашлиги, адолат-
парварлиги ва ташаббускор-
лиги билан жамоа ишончини
оқлади. Таълим тизимига ян-
гилликларни жорий этиш, хо-
димларнинг ҳуқуқ ва манфаат-
ларини ҳимоя қилишда фаол
бўлди. Ҳақни ҳақ, ноҳақни
ноҳақ, дея олиш унинг асосий
фазилатларидан эди.

Ёқубжон Мадаминов қаерда
фаолият юритмасин, инсон-
лар кўнглини оғритмасликка,
уларда меҳр-оқибат ва эзгу-
ликка бўлган ишончини му-
стаҳкамлашга интилиб яшади.

Профессор Қозоқбой Йўл-
дошев устозининг касаба уюш-
маларидаги фаолиятини эслар
экан, шундай дейди:

– Ёқубжон ака таълим хо-
димларининг манфаатлари
учун астойдил меҳнат қилди.
Унинг фаолиятида «Амал
одамини эмас, одам амалини
улуғлайди», деган ҳикмат-
нинг ҳаётини ифодасини кўриш
мумкин. Узок йиллар даво-
мида таълим ходимларининг

ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш
йўлида хизмат қилди. Устоз-
нинг ташаббуси ва саъй-ҳара-
катлари билан тумандаги ҳар
бир мактабда бошланғич ка-
саба уюшмаси қўмитаси учун
алоҳида хона ажратилиб, зар-
ур ҳуқуқий адабиётлар билан
жиҳозланди. Маорифчилар
эса касаба уюшмаси қўмитаси
уларни ҳимоя қилаётган таш-
килот эканини яққол ҳис қил-
дилар.

Ёқубжон Мадаминов бугун
ҳам фаол. Катта ҳаётининг тажри-
бага эга бўлгани боис унга ҳур-
мат-эътибор балинд. Шогирд-
лари кўп, маслаҳат сўраб ке-
лувчилар бисёр. Отаҳон уларни
доимо очик чехра билан ку-
тиб олади. Рафиқаси Дилбар-
хон ая билан тўрт ўғил ва бир
қизни воёга етказиб, барча-
сини ўғли-жойли қилишган.
Дам олиш кунлари ҳовлиси не-
варалар кулгуси билан янада
файли тус олади. Унинг бой
кутубхонаси неваралари учун
алоҳида олам.

Ёқубжон ота босиб ўт-
ган ҳаёт йўлига назар ташлар
экан, афсусланадиган ёки виж-
донини қийнайдиган бирор
воқеани эсламайди. Демак,
тўғри яшайти. Шу боис унинг
умрини ёмғирдан кейинги му-
саффо, тоза ҳавога қийслаш
мумкин.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

Сўранг, жавоб берамиз...

САВОЛ: Қизим узок йиллар муҳандислик қилган заводдан
2025 йил ноябрь ойида ишдан бўшади. 2026 йил февраль
ойида ишчиларга заводнинг ўтган йилги фаолияти якун-
лари бўйича мукофот, яъни «ўн учинчи ойлик маош» бе-
рилганини эшитиб, заводга борса, унга «Ишдан бўшаб кет-
гансиз, сизга мукофот тўланмайди», дейишибди.
Шу тўғриси, ҳолат бўйича қонунда нима дейилган?

Дилбар АСАДОВА
Навоий вилояти

ИШДАН БЎШАГАН ХОДИМ ЎН УЧИНЧИ ОЙЛИКНИ ОЛИШГА ҲАҚЛИМИ?

ЖАВОБ: Бу ўринда завод
маъмуриятининг ҳаракат-
лари қонун талабларига
зид ҳисобланади. Чунки,
меҳнат қонунчилигида хо-
димга берилиши шарт бўл-
ган тўловларни тўлаб бе-
риш муддатлари қатъий
белгилаб қўйилган. Маса-
лан, меҳнат шартномаси
бекор қилинган тақдирда
иш берувчи ходим билан
молиявий ҳисоб-китоб шу
куннинг ўзида қилиниши
жойиз.

Борди-ю, ходим меҳнат
шартномаси бекор қилин-
ган кунни ишга келмаган
бўлса, ҳисоб-китоб қилиш
тўғрисидаги талаб тақ-
дим этилгач, уч кундан ке-
чиктирмай амалга ошири-
лиши лозим.

Меҳнат шартномаси
бекор қилинганда хо-
димга тегишли суммалар
миқдорлари тўғрисида
низо чиққан тақдирда,
иш берувчи ходимга
шак-шубҳасиз тегадиган
суммани ходим томони-
дан талаб қилингандан
кейин уч кун ичида тўлаб
бериши керак.

Таъкидлаш жоиз, «ўн
учинчи ойлик маош» кор-
хона бир йил ичида олган

соф фойданинг бир қисми-
дан берилади.

Саволингиз мазмунига
қўра, қизингиз заводда
2025 йилда 11 ой меҳнат
қилган. Демак, корхона-
нинг йил мобайнида олган
фойдаси шаклланишида
унинг ҳам муайян ҳиссаси
бор.

Амалдаги Меҳнат ко-
декси талабларига муво-
фиқ, ички ҳужжатларда на-
зарда тутилган ҳолларда хо-
дим агар у ҳатто мукофот
тўланаётган пайтда яқна
тартибдаги меҳнатга оид
муносабатларда бўлмаса
ҳам, яъни ходимларга му-
кофот берилаётган даврга
келиб, ишдан бўшаб кетган
бўлса ҳам йиллик иш якун-
ларига қўра, мукофот олиш
ҳуқуқига эга.

Баён этилганларга му-
вофиқ, қизингизга завод
томонидан ўтган йил якун-
лари бўйича мукофот пули
тўлаб берилиши зарур. Акс
ҳолда, қизингиз тегишли
тартибда меҳнат инспек-
циясига, прокуратурага
ёки судга мурожаат қи-
лишга ҳақли.

**Ҳуқуқ ва халқаро
ҳаёт бўлими**

Танлов

ЭНГ ЯХШИ ҲАМШИРАЛАР САРАЛАНДИ



танлови ғолиблари ҳам муносиб тақ-
дирланди.

– Номзодлар ҳакамлар томони-
дан холисона баҳолашиб, энг муно-
сиблари саралаб олинди, – дейди
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба
уюшмасининг Тошкент вилояти ке-
нгаши раиси Зиёдулла Атаходжаев. –
Бу каби тадбирлар ҳамшираларнинг
касбий маҳоратини ошириш, улар
ўртасида соғлом рақобат муҳитини
шакллантиришга хизмат қилади.

Танлов якунига қўра, 1-ўрин Бўка
тумани тиббиёт бирлашмаси бола-
лар бўлими интенсив пост ҳамши-
раси Дилноза Деҳқонбоевага насиб
этиди. 2-ўринни Республика шоши-
линч тиббий ёрдам илмий маркази-
нинг Тошкент вилояти филиали ре-
анимация бўлими ҳамшираси Ди-
ёра Муратова, 3-ўринни эса Паркент
тумани тиббиёт бирлашмаси ком-
плекси реанимация бўлими ҳам-
шираси Эъзола Абдумажидова эгал-
лади.

– Ўн йилдан буён шу соҳада фао-

лият олиб боряпман, – дейди Ди-
ноза Деҳқонбоева. – Тайёргарлик жа-
раёнида замонавий ҳамшира на-
фақат муолажа қўникмаларига,
балки рақамлаштирилган тизимлар-
дан фойдаланиш, беморлар билан
мулоқот қилишда психологик ёнда-
шувга ҳам эга бўлиши кераклигини
яна бир бор тушуниб етдим. Респу-
блика босқичида ҳам муносиб ишти-
рок этишга ҳаракат қиламан.

Тадбир асоси «Йилнинг энг яхши
ҳамшираси», «Йилнинг энг яхши доя-
си», «Йилнинг энг яхши лаборанти»,
«Йилнинг энг яхши соғлом турмуш
тарзи тарғиботчиси», «Йилнинг энг
яхши фармацевти» каби қатор номи-
нациялар бўйича ғолиблар аниқла-
ниб, уларга фахрий ёрликлар, стату-
эткалар ва эсдалик совғалари топши-
рилди.

Сайёра ТОЖИБОЕВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмасининг
Тошкент вилояти кенгаши
мутахассиси

Тадбир

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ МАНБАИ

Навоий давлат университети тузилмасидаги «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи Вазирлар Маҳка-
масининг 2017 йил 22 ноябрдаги қарори асосида ташкил қилинган. У XX асрнинг 30–40–йилларидаги
сиёсий қатагонлар оқибатида ноҳақ жазоланган, таъқиб қилинган, ўлимга маҳкум этилган минглаб
юртдошларимиз хотирасига бағишланган.

Ўзбекистон касаба уюшма-
лари Федерациясининг На-
воий вилояти Кенгаши то-
монидан «Мозийга саёҳат» дасту-
ри доирасида ушбу музейга
саёҳатлар уюштирилди. Федера-
циянинг Навоий вилояти Ке-
нгаши, тармоқлар касаба уюшма-
лари ходимлари ҳамда «Навоий-
азот» АЖ, «Худудгаз Навоий» газ
таъминоти филиали, «Навоий
ИЭС» АЖ бошланғич касаба уюш-
малари аъзоларида музей катта
қизиқиш уйғотди.

Музей директори Х. Қурбо-
нов зиёратчиларни музей би-
лан яқиндан таништириб, ҳар
бир экспонатнинг тарихи, қа-

тагон йилларида ноҳақ жабр кўр-
ган инсонлар ҳаёти ва тақдирини,
шунингдек, намоийш этилаёт-
ган ҳужжатлар ва фотосуратлар
ҳақида маълумот берди.

Музейга ташриф давомида
иштирокчилар тарихий экспо-
натлар, архив ҳужжатлари, фото-
суратлар ҳамда қатагон қурбон-
ларига тегишли ноёб ашёлар би-
лан танишдилар.

500 дан ортик ишчи-ходим-
лар қатнашган ушбу саёҳатдан
қўзланган асосий мақсад уларни
Ватан тарихининг энг оғир ва
фожiali саҳифалари билан
яқиндан таништириш, қатагон
йилларида ноҳақ жабр кўрган

юртдошларимизни хотирлаш,
шу тариқа инсонни кадрлаш,
адолат ва мустақиллик аҳамия-
тини янада чуқур англашдан ибор-
рат бўлди. Бундай маънавий-маъ-
рифий тадбирлар меҳнатқашлар
ўртасида ватанпарварлик туйғу-
ларини кучайтиришда, тарихий
хотирани асраш ва келажак ав-
лод тўғри ҳулосалар чиқаришида
муҳим аҳамият касб этади.

Норимхол НУРМОҶОВА,
Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерацияси
Навоий вилоят кенгашининг
Маданий-маърифий ва спорт
ишлари бўлими мудири



Ўз она тилини севмаган, тил замирида ётган тарихни билмаган, қизиқмаган одам баркамол саналмас. Ўз тилинг ўз ватанингдек азиз, ўз онангдек табаррук. Эркин Воҳидов

Мулоҳаза

ҚАЧОНГАЧА ИСМ-ШАРИФИМИЗНИ ХАТО ЁЗАМИЗ ВА БУНДАН ОР ҚИЛМАЙМИЗ?

Сўнги ўн йилликларда тўғри ёзиш масаласи Ўзбекистонда жиддий муаммага айланди. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бор: алифбога оид ўлда-жўлда ислохотлар, мактаблардаги таълим сифати ва ҳоказолар. Айниқса, инсон ўз исмини тўлиқ ва тўғри ёза олмаслиги, русча талаффузда битилган ўзбекча исмлар ҳамон кўп учраши жуда ачинарли ҳолдир.




Аслида фарзандларга чиройли исм бериш динда ҳам, жамиятда ҳам энг муҳим вазифалардан саналади. Чунки одамод исм-шарифини бир умр ўзи билан бирга олиб юради, мактабда, университетда, оилада, хуллас, деярли ҳамма жойда ундан фойдаланади. Афсуски, тушунмовчилик деймизми, саводсизлик деймизми, ёзма манбаларда айрим исм-фамилиялар хато ёзилгани туфайли хунук кўринишга келиб қолади. Масалан, тузилганлик гувоҳнома-масида фамилияси Дўраев, Вахидов, Абулразақова, Иргашев шаклида битилганлар паспортда ҳам шундай ёзилади, ҳатто айримлари ўзига шундай деб мувожаат қилишни сўрашади. Лекин инсон исм-шарифини, аввало, ўз она тилида тўғри ва аниқ ёзиши керак.

роқ менинг виртуал дўстларим орасида Кусуниддин (аслида Хусуниддин), Хусанбой (Хусанбой), Урок (Урок), Джахангир (Жаҳонгир), Нalik (Холик), Аҳунджан (Охунжон), Садиқ (Содиқ) исми инсонлар ҳам бор. Бугун мамлакатимизда (асосан ёшлар) инглиз тили ҳам кенг ўрганилмоқда. Шу аснода аввал рус тилига боғлиқ ҳолда кузатиш қатор муаммолар эндиликда инглиз тили билан рўй бermoқда. Улардан бири исмларни тўғри ёзиш масаласидир. Агар хорижий ташкилотлар, чет элликлар бизнинг исм-шарифимизни инглиз тилида бузиб айтишса, уларни тушуниш мумкин. Лекин баъзи ёшларимиз ўзбек бўла туриб исмларини атайдан инглизча сўзларга менгаб, масалан, Abduvakhobov, Ishmuhammedov, Kilichev қабилда ёзишмоқда. Эҳтимол, чет элликлар билан суҳбатлашганда шундай шаклда тақдим этиш тўғридир, аммо ижтимоий тармоқда аудиторияси фақат ўзбеклардан иборат бўлганларнинг, инглиз тилида салом-алиқдан нарига ўта олмай-

диганларнинг аксарияти ҳам номини фарбча ёзишга уринаётганига нима дейсиз? Айрим исмлар нотўғри ёзилиши ва айтилишига кўпчилик ФХДЭ органларида аввал русийзабон кишилар ишлаганини ва собиқ Иттифоқ таъсирини сабаб қилиб келтиради. Айтишларича, ўша пайтлар исм-фамилияларни иложи борида рус тилига яқинроқ қилиб ёзиш одат бўлган. Аммо яқинда 35 йиллиги нишонланганидаги Мустақиллик бизга барча ҳуқуқларимиз қатори исмига қўйилганда ўз она тилимизда сўзлашиш имкониятини ҳам қайтариб берди. Хўш, нега бу имкониятдан тўлиқ фойдаланмаёмиз? Ахир озгина кунт-хафсала қилсак, бир пайтлар кимларнингдир айби билан нотўғри ёзилган исмишни тўғри қилиб олишимиз мумкин-ку. Қонунга кўра, барча кишилар бемалол ўз исм-фамилиясини ўзгартириш (тўғрилаш)га ҳақли. Албатта, бунинг учун бир қатор ҳужжатлар ва юридик жараёнлар талаб этилади. Фамилияни, исмини ва отанинг исмини ўзгартириш ҳақидаги аризалар талабдор ўн олти ёшга тўлган кейин фуқаролик ҳолати даволатномаларини ёзиш органи томонидан, ушбу шахсининг доимий яшаш ўрни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган жойдан қатъи назар, кўриб чиқилади. Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир ўзбекча исм ўзбек халқининг юзидир. Модомики, шундай экан, чиройли юзни ҳеч қачон хунук қилиб кўрсатмаслигимиз керак. Бизнинг кичкина хатомизни деб, бошқалар устимиздан қилмасин. Хўш, сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз? **Аброр ЗОҲИДОВ «ISHONCH»**

Мушоҳада

Ишдан уйга метрода қайтардим. Йўл-йўлакай телефон титкилайман. Биринчи видео, иккинчиси, учинчиси... Хуллас, ҳаммаси гўё бир хил: ҳашаматли уй, оппоқ дастурхон, қимматбаҳо совғалар, кулиб турган жуфтлик, фонда романтик мусиқа. Эркак аёлига машина совға қилмоқда, аёл кўзига ёш олиб «Орзуим ушалди», дея турмуш ўртоғини бағрига босмоқда. Изоҳларда эса битта гап: «Қанийди бизда ҳам шундай ҳаёт бўлса...».




ҲАЁТ ЗАРҚОҒОЗГА ЎРАЛГАН ҚАНД ЭМАС...

Бир маҳал ён томонимда ўтирган эркак ва аёлининг паст овоздаги тортишуви қулоғимга чалинди. Ўгирилиб қарасам, камтарона кийинган эр-хотин. Англадимки, аёли қўйида видеодан таъсирланиб, турмуш ўртоғининг миёсини «эгювляпти». «Қаранг, бошқалар хотинига нима совға қилипти. Сиз-чи?». Эркак жим. Балки у оиласи учун қўлидан келганини қилаётгандир. Аммо у бугун экрандаги «мукамал ҳаёт» сабаб айбис айбдор... Ижтимоий тармоқлардаги ҳаёт кўпичинча зарқоғозга ўралган қанддек гап. Унинг ичидеги ширинликнинг таъмини эса, татиб кўрмасдан билиб бўлмайди. Шундай экан, жамоатчиликка олиб чиқилаётган гўёки «бахтли оила» тасвирларида ҳеч қим қарзини кўрсатмайди, жанжални ёзмайди, чарчоғини улашмайди. У ерда фақат натижа бор – жараён йўқ. Фақат кулиб бор – кўз ёшлар йўқ. Фақат совға бор – унга эришниш учун сарфланган йиллар йўқ. Аммо томошабин буни англамайди. Шунчаки кўрганини ҳақиқат деб қабул қилади. Энг ачинарлиси, ўз ҳаётини шу сунъий видео билан солиштириб бошлайди. Бир танишимнинг оддий, тинч оиласи бор эди. Эр-хотин бир-бирини хурмат қиларди. Аммо вақт ўтиб, аёли ўзгара бошлади. Ижтимоий тармоқлардаги идеал оилаларга ҳаваси уйғонди. Кимдир саёхатда, кимдир совға олаётди. Аста-секин унинг ичиде ҳам бир савол пайдо бўлди: «Нега менда бунақа эмас?». Шу тариха эрини бошқалар билан солиштириб бошлайди. Шу савол тинч-тотув оилага дарз етказди. «Мен ҳам бошқар сингари бахтли яшашни хоҳлайман...», деди-ю турмуш ўртоғини сиқувга олди. Эркак эса, шунчаки ҳаммасига

қўл силтади. Ўртада фарзандлар сарсон-саргардон бўлишди. Хайрият, кўпчилик аралашиб, эр-хотинни яраштириб қўйди. Таассуфки, бу – бугунги куннинг манзараси. Ҳақиқатан ҳам, одамлар ўз ҳаётини унутиб, бошқаларники билан ҳисоблашиб юрибди. Аслида ҳаёт кино эмас. Унинг турли-туман зиддиятлари, ширин-аччиқ томонлари бор. Ахир, турмуш – мушт, деб бежиз айтишмаган. Ҳеч кимнинг тақдирини бироникига ўхшашмайди. Кўпчилик ҳавас қилаётган «томоша»ларнинг аксари шунчаки монтаж. Бир ёқлама ёритилган олам. Ҳаёт асли тўлиқ ҳикоя. Авваллари бахт деганда тинчлик-хотир-жамлик тушуниларди. Энди эса қарашлар, тушунчалар ўзгаргандек... Аввало, ҳеч нарса оила даврасида, бир дастурхон атрофида ортиқча ғам-ташвишсиз ичишган бир пиёла чойга етмайди. Одамод учун бундан ортиқ бахт борми? Аслида реал ҳаёт шундай. Унда қувонч, қайғу, синюв, сийлов – барчаси ёнма-ён юради. Тўғри, ижтимоий тармоқларни айблаш осон. Аммо муаммо фақат бунда эмас, балки кўрганимизни қандай қабул қилишимизда. Хуллас, ҳар бир кўрсатилган ҳашамат ортида кўринмайдиган ҳақиқат борлигини унутмаслик керак. Бахтни эса солиштириб бўлмайди. Чунки у кўринишда эмас, мазмунда яшайди. Экрандаги «идеал оила»нинг ҳам етарлики муаммолари бор. Зеро, дераза ортида турган гул ўша хонадонда баҳор ҳукм сураётганини аниқлаб бериши мумкин. Бир кам дунё ҳеч қачон бутун бўлмайди! **Салим АБДУРАҲМОНОВ «ISHONCH»**

АҚШ – Исроил альянси билан Эрон қарама-қаршилигида дипломатия, ҳарбий ҳамда иқтисодий босим ва ахборот жанги тобора бир-бирига чирмашиб борапти. Вашингтон ҳали ҳам «яқши музокара олиб борилаётгани»ни таъкидламоқда. Техрон эса қамал шароитида мулоқотни давом эттириш мумкин эмаслигини айтди. 2024 йилда кунига қарийб 20 миллион баррель нефть ва нефть маҳсулотлари, шунингдек, жаҳон суюлтирилган табиий газ савдосининг тахминан 20 фоизи ўтган Хўрмуз бўғози яна босим сиёсати қуролига айланди. Энди у дунё тартиботи қай даражада бошқарилаётганини акс эттираётган сиёсий индикатор вазифасини бажаряпти.



Расман олганда, музокаралар жараёни ҳали тугагани йўқ. Дональд Трамп 19 апрель кунини америкалик музокарачилар Исроилда йўл олишини айтди. «Reuters» Оқ уйга таяниб, делегация таркибига вице-президент Жей Ди Вэнс, махсус вакил Стив Уиткоф ва Жаред Кушнер кирганини хабар қилди. Аммо айнан шу кунини «Tasnim» агентлиги Техронда Покстонга делегация юбориш бўйича ҳеч қандай қарор қабул қилинмаганини билдирди. «IRNA» агентлиги эса бундан ҳам кескинроқ баёнот бериб, АҚШнинг «ҳаддан зиёд талаблари» ва денгиз қамали сақланиб қолаётгани сабабли янги босқичда иштирок этиш мумкин эмаслигини таъкидлади. Демак, музокаралар ҳозирча Вашингтоннинг истиқо-ю, Техроннинг эҳтимолидаги вазиятдан нарига ўтгани йўқ. Бу эса жуда муҳим. Чунки сиёсий баёнотлар тобора мавжуд воқеалардан узилиб бормоқда. 18 апрель кунини Эрон ташқи ишлар вазири ўринбосари Саид Хатибзода шартлар тўлиқ келишилган бир пайтда янги учрашув ҳақида гапиришга эрта эканини айтган бўлса, 19 апрель кунини президент Масъуд Пиизиқийён Эрон ўзининг «ядровий ҳуқуқлари»дан асло воз кечмаслигини яна бир бор эслатди. Ушбу баёнотлардан кўриб турибдики, тортишув эҳтимолини келишувнинг техник жиҳатларидан кўра, музокара қайси мантқиқ асосида қурилиши кераклиги ҳақида кетмоқда. Табиийки, Америка келишувга қуч позициясидан ёндашяпти. Эрон эса қуч иштишини қаршилиқ омили сифатида кўрсатишга уринмоқда. Буларнинг барчаси Хўрмуз бўғози атрофида кескинлик ошишига сабаб бўляпти. Икки ҳафталик оташкес пай-

тида қисман очилгач, 18 апрель кунини Эрон бўғоз устидан қатъий ҳарбий назоратни қайта жорий қилди ва бунини Америка томони Эрон портлари атрофидаги қамални давом эттираётгани билан изохлади. Эрон ҳарбийлари кемалар ўтишни таъкидлангани ҳақида огоҳлантирди, айрим тижорий кемалар эса ортага қайтди. Лекин бундан ҳам муҳимроқ жиҳат бор. 19 апрель кунини «Reuters» «TUI Cruises» компаниясига тегишли икки круиз кемаси бўғоздан ўтганини хабар қилди. Бу эса Хўрмуз бутунлай ёпилмаганини, аксинча, руҳсат, сигнал ва савдолашув воситаси сифатида ишлаётганини аниқлатади. Эрон Хўрмузни тўлиқ ёпилмасдан ҳам стратегик устунликка эришиши мумкин. Бозорини, ташувчиларни ва сўғурта тизимини асабий ҳолатда ушлаб туришнинг ўзи кифоя. Чунки бундай вазиятда бўғоздан ўтиш нафақат иқтисодий, балки сиёсий ҳавф масаласига айланади. Ҳаракатнинг қисман тикланиши асло барқарорлиқни аниқламайди. Аксинча, у ҳар қандай танаффус исталган пайтда бекор қилиниши, ҳар қандай «илиқлашув» эса бир неча соат ичиде йўққа чиқиши мумкинлигини кўрсатади. Шу маънода Хўрмуз Техрон учун узоқ муддатли савдолашув механизмига айланди. Эҳтимол, Эроннинг асосий стратегик ресурси ҳам босим нархини ҳаддан ташқари ошириш қобилияти билан боғлиқдир. Аммо бунинг бадалини рақибларига эмас,

бунун дунё тўламоқда. Зеро, бўғоздан ўтадиган юклар, энг аввало, жанубий ва шарқий Осиё мамлакатларига йўл олади. Вашингтон учун вазиятнинг энг ноқулай жиҳати ҳам шу ерда. Қўшма Штатлар ҳали ҳам дунёнинг энг қудратли денгиз давлати саналади. Аммо бу қудрат самара бераётгани йўқ. Агар Оқ уй денгиз босимини янада кучайтирса ва уни узоқ сақлаб туриш чораларини кўрса, нефть нархи кўтарилди, инфляция тезлашди, ички сиёсий ҳаракатлар эса охиб боради. Республикачи стратеглар аллақачон бензин нархи ўсиши ва яшаш қиймати муаммоси янада кескинлашишидан тобора кўпроқ хавотир билдиришни бошлаган. Демак, Эрон билан мижозаро Трамп учун нафақат ташқи сиёсий ўйин, аввало, ички иқтисодий таваллакчилик масаласига айланди. Бу омил Трампнинг ташқи сиёсий дивидендларини йўққа чиқариши шубҳасиз. Бу назарий мулоҳаза эмас. «Reuters/Ipsos» сўровига кўра, америкаликларнинг атиги 35 фоизи Эронга қарши ҳарбий амалиётни маъқуллаган, 61 фоизи эса қўллаб-қувватламаган. Бугунги Америка сиёсатининг асосий парадокси шу ерда кўзга ташланади. Трамп ўзининг кескин баёнотларида Эрон Хўрмуз орқали АҚШни «шантаж қила олмаслиги»ни айтяпти. Бироқ Вашингтон, бир томондан, музокара каналини сақлаб қолишга ури-

наётган бўлса, иккинчи томондан, қамал ва янги зарбалар таҳдидидан ҳам воз кечмапти. Бу эса Оқ уй мағлубиятга учрамагандек кўринадиган мақбул чиқиш йўлини қидираётганини аниқлатади. Муаммо шундаки, Эрон ўз стратегиясини Трампга мижозародан осон чиқиш имконини бермаслик, эскалациянинг ҳар бир кейинги босқичи учун уни янада кўпроқ тўлашга мажбур қилишдек мутлақо тескари ҳисоб-китоб асосида кўрмоқда. Шу тариқа ҳар қандай восталарга эга супердавлат ҳар бир кейинги қадам қиймати сиёсий флассик туюққа учраятти. «Iran War Cost Tracker» портали ҳисоб-китобларига кўра, АҚШ Эронга қарши ҳарбий амалиёти учун шу кунга қадар 55 миллиард доллардан ортиқ маблағ сарфлаган. Америка ҳарбий доираларида ишлатилган қурол-яроғ захираларини қайта тўлдираришнинг ўзига бир неча йил керак бўлиши мумкинлиги ҳақидаги огоҳлантиришлар янграмоқда. Буларнинг барчаси бевосита 3 ноябрь кунини АҚШ Конгресси Вакиллар палатасига бўлиб ўтадиган сайловларга таъсир қилиши мумкин. Шу кунини федерал, минтақавий ва маҳаллий даражадаги бошқа кўлаб сайловлар ҳам ўтказилди, жумладан, АҚШ Сенати сайловлари ҳам. Яна бир масала Эроннинг ўзидаги сиёсий вазият билан боғлиқ. Аббос

Ароқчининг ўтган жума кунини бўғоз очирилиши ҳақидаги баёнотидан кўп ўтмай, Эрон ҳарбийлари орасида яна кескин баёнотлар янгради. Бу Техронда катъийлик даражаси турлича бўлган марказлар ва Хўрмузга нисбатан фарқли тактик ёндашувлар мавжудлигини кўрсатади. Дипломатик қанот савдолашув учун майдонни сақлаб қолишга уринаётган бўлса, куч ишлатар доиралар бундай савдолашув зафилик аломати сифатида кўринишини истамаётти. Ташқи қузғувчи учун бунинг маъноси битта – ҳатто музокара қайта бошланган тақдирда ҳам, улар Эрон ички сиёсати босими остида кечади. Қолаверса, Эрон мижозароси билан ёнма-ён Ливандаги вазият ҳам беқарорлашиб борапти. 18 апрель кунини UNIFIL таркибидеги француз тинчликпарвари ҳалок бўлди, яна уч киши яраланди. Эммануэль М4оx» зиммасига юкланди. Шу билан бир вақтда Исроил армияси жанубий Ливанда янги жойлашув чизиги ҳаритасини илк бор эълон қилди. Бу амалда 5-10 километр ичкарида буфер ҳудуд шаклланаётганини, бўшаб қолган ўнлаб кишлоқлар устидан назорат ўрнатилганлигини аниқлатади. Демак, Исроил билан «Хизбуллох» ўртасидаги ўн кунлик сулҳ расман сақланиб турган бўлса-да, у янги барқарорлик келтирилганича йўқ. Аксинча, жанг майдонини ўта беқарор ҳолатда музлатиб қўймоқда. Ҳар қандай жиддий ҳодиса эса жанубий Ливани яна уруш майдонига айлантиради. Шу босим бугунги инқирозни фақат Эрон мавзуси доирасида таҳлил қилиб бўлмайди. У бир вақтинг ўзида уч йўналишда таъсир кўрсатмоқда. Биринчиси – АҚШ ва Эрон ўртасидаги ядровий дастур, санкциялар ва кема қатнови эркинлиги ҳақидаги тортишув. Иккинчиси – минтақавий қураш бўлиб, унда Ливан, Исроил ва Форс кўрфазини денгиз йўллари ягона беқарорлик тизимининг ўзро боғланган жанг майдонларига айланмоқда. Учтинчиси – ташувчилар, сўғурта компаниялари, нефть-газ бозорлари, Осиё ва Европа ҳукуматлари уруш атрофидаги ноаниқлик бадалини тўламоқда. Одатда айнан шундай ноаниқлик қимматга тушади. У тизимни бир зарбада вайрон қилмайди, лекин уни мунтазам ҳавф босими остида яшашга мажбур қилади. Америка стратегияси учун бу аллақачон алоҳида муаммага айланди. АҚШнинг ўзида ҳам Яқин Шарқ бутун диққат ва катта ресурсларни ютиб юбораётгани, шу орқали Европа ва Ҳинд – Тинч океани минтақасидан эътиборни чалғитаётгани ҳақидаги норозиликлар кучаймоқда. Оқ уй бир вақтинг ўзида мамлакат ичиде нархлар ошишини янғирлатди, Исроил – Ливан чизигида янги порлашнинг олдини олишга ва Эрон билан мулоқотнинг бутунлай узилиб кетмаслигини таъминлашга мажбур бўляпти. Бир минтақавий артерия шунча сиёсий қувватни талаб қилаётган экан, устуворликлар ҳақидаги савол АҚШ учун стратегик тўқ олмақда. Шу босим бугунги асосий саволни

Халқаро шарҳ

оддий ахборот сарлавҳалари қўяётган шаклда қабул қилиб бўлмайди. Хўрмуз ким «қоғозда» назорат қилаётгани ёки ижтимоий тармоқларда ким ишончлироқ кўринадиганининг мутлақо аҳамияти йўқ. Асосий масала – доимий инқирознинг сиёсий, иқтисодий ва руҳий зарбаларига ким кўпроқ дош бера олишида. Эрон рақибини тўғридан-тўғри енгмасдан туриб ҳам унга бо босим нархини тоқат қилиб бўлмас даражага етказиши мумкинлигини кўрсатишга уринмоқда. АҚШ эса ҳали ҳам ўйин қондаларини ўзи белгилаётганини намоён этмоқчи, аммо энди бензин нархига, сўғурта тариқларига ва ўзининг сайлов билан боғлиқ ҳисоб-китобларига қараб иш тутишга мажбур. Яқин ҳафталар учун энг эҳтимолий сценарий ҳам шу тинчликдан келиб чиқади. Мустақкам тинчлик ўрнатилиши амри маҳол. Аксинча, томонлар танаффусни сотиб олишга уринади. Музокара давом этса ҳам, улар ноаниқ ифодаларга қурилан, аммо асосий зиддиятлар четлаб ўтилган вақтинчалик меморандумга олиб келиши мумкин. Бу бахслар, аввало, бойитилган уран, санкциялар ва Хўрмуз орқали ўтиш тартиби атрофида давом этади. Бўғоз эса, катта эҳтимол билан расман ёпилмайди, лекин сиёсий жиҳатдан эркин ҳам бўлмайди. Ливан энг хавфли ён фронт мақомини сақлаб қолади. Бозорлар эса тинчликдан кўра, навбатда кескинликни кутиб яшайди. Дональд Трамп эълон қилган Эрон билан сулҳ муддати 22 апрель кунини яқунланади. Бироқ янги эскалация яқин кунларда бошлангани мумкин. Бунга Уммон кўрфазига АҚШ ҳарбий-денгиз кучлари Эроннинг «Лука» юк кемасини ушлаб қолгани сабаб бўлди. Америка томонининг талқинига кўра, кема денгиз қамалини ёриб ўтишга уринган. Шундан сўнг «Ари Берг» тоифасидаги эсминец кеманинг мотор бўлмасига зарба берган, кейин эса АҚШ денгиз пилдалари уни назоратга олган. Техрон бу ҳаракатларга кескин муносабат билдирди ва АҚШ хатти-ҳаракатларини қуролли қароқчилик дея атади. Эрон ҳарбий қўмондонлиги вакиллари ушбу воқеа жавобсиз қолмаслигини маълум қилди. Ходисадан сўнг Вашингтон ва Техрон ўртасидаги таранглик янада кучайди. Шунингдек, ҳарбий ҳаракатлар шу ҳафтанинг ўзидаёқ қайта бошлангани эҳтимоли сезиларли даражада ортди. Хуллас, инқироз кескин босқичдан сурункали босқичга ўтмоқда. Эҳтимол, Яқин Шарқдаги бугунги вазиятнинг энг аниқ формуласи ана шу. Одатда, айнан сурункали туш солган босқичлар ўта хатарли бўлади. **Жаҳонгир НАҲАHOV «ISHONCH»**

**Агар нодир фикрли инсонга дуч келсак,
ундан қандай китобларни ўқишни сўрашимиз керак.
Ралф Валдо Эмерсон**

Тақдимот

ҲАР СЎЗИДА ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ БОР

Ўсмирлик пайтимда кўп китоб ўқирдим, газе-та-журналларни муто-лаа қилардим. Юқори синфга ўтганимда мам-лакатимиз ва дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги «Сийёсий шарҳловчилар давраси», «Ўзбекистон ва жаҳон», «Дунё ҳафта ичида» каби ижтимо-ий-сийёсий ва таҳлилий кўрсатувларни ойна жондан кўз узмай то-моша қилардим. Бу дас-турларда Насриддин Мухаммадиев, Қобил-бек Каримбеков, Қуддус Ўзтам, Гофир Жамолов, Абдуғофир Қирғизбоев-ларнинг шарҳлари бери-ларди. Уларга ҳавас қи-либ, тележурналист бў-лишни орзу қилганман.



2007 йилда «Садо» газе-тасида бош муҳаррир ўрин-босари бўлиб иш бошла-дим. Устоз Қобилбек Кар-имбеков газетамизнинг фаол муаллифларидан би-рига айланди. Радио бино-сида жойлашган тахририя-тимизга эриммасдан қўл-ё-маларини бериб кетарди. Мақоласи эълон қилинган, миннатдорлик билдириб қўярди.

2015 йили «Маҳалла» телеканалига ишга ўтдим. Устоз ҳам шу телеканалда ишларди. Пенсия ёшига яқинлашган бўлса-да, да-дил ва илдам юрарди. Турли тадбирларда до-имий бирга эдик. Ҳамкор-ликда кўрсатувлар тайёр-лардик. Устоз телевидение-даги тажрибаларини бизга улашарди. 2016 йилда дав-лат раҳбарининг фармони билан «Ўзбекистонда хиз-мат кўрсатган журналист» фахрий унвонига сазовор бўлди. Ҳаммамиз жуда ку-вондик. Шундан сўнг устоз пенсияга чиқиб кетди. Аммо ҳозиргача телефон-лашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб тураимиз. Ҳаётининг қў-риб қолди. Катта сумка кўтариб, шаҳамд қадам-лар билан кафедрага ки-риб кетди. Ўшанда юқори курсдагилар «2-курс бўлган-ларсиз даома дилсизларга дарса қиради», дейишди. Жуда хурсанд бўлиб кетдик.

2-курсимиз... Кечагина телевизорда кўриб юрга-нимиз, ҳавасимиз келтир-ган инсон – таниқли сий-ёсий шарҳловчи бизга са-боқ бера бошлади. Домла аудиторияга кириб келиши билан ҳамма жим. Деярли саксон дақиқа тинмасдан гапирарди. Халқро ҳаёт-даги сийёсий жараёнлар, жаҳонда кечаётган воқеа-ходисалар, айниқса, Яқин Шарқ ва Афғонистонда ва-зиятларни мамлакатимиз-даги тинчлик билан боғлаб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этарди. Шунингдек, давлатимизнинг ташқи сийёсати, давлат раҳбари-нинг чет элга сафарлари, бошқа мамлакатлар раҳбар-ларининг расмий ва дав-лат ташрифи тафсилотла-рини факт ва далиллар бил-ан сўзлаб берарди. Ҳар бир сийёсий жараёнга ўз муноса-батини билдиради. Орада савол-жавоб бўларди. Ки-зиқарли фактларни дафт-римизга ёзиб қўярдик.

Талабалик пайтимда «Халқ сўзи» газетасига ишга кирдим. Тўрт-беш йилдан сўнг телевидениега ўтдим ва устозим Қобилбек Каримбеков билан ҳамкасб бўлишга муяссар бўлдим.

касблари «тирик энцикло-педия», дейишди. Бу бор-ган. Устознинг қувваи хо-физаси шунчалар кенги, ўқиган, кўрган, эшитган ва англаган маълумот-ларни хотирасида тўла-тўки сақлайди. Мавзунинг чуқур идрок этиби, таф-силотларни батафсил баён қилиб бериш қобилиятига эга. Домла бирор мавзуда гапирса, уни факт ва далил-лар билан исботлайди. Бў-либ ўтган воқеа-ҳодисани йили, ойи ва ҳапто кунини билан келтиради. У кишига «Қорозга қараб олай» ёки «Телефондан яна бир кўриб олай», деган туншунча мут-лақо ёт. Ҳамма фактларни миясига жойлаб олган. Ҳо-зирги кунда устозни кўрс-атувга интервью олишга қа-чирсак, микрофонни қў-лаб олиши биланок бир нафасда сўзлайди. Монтаж пайтида бирорта гапини қирқиб ташлашнинг иложи бўлмайди.

Устознинг ибратга лойиқ фазилатларидан бири яна шуки, у киши за-мон билан ҳамшиша ҳамна-фас. Вақтли нашрларни, матбуотни мунтазам ку-затиб боради. Газета-жур-налларда қайси бир ҳам-касби ёки шогирдининг мақоласини ўқиб қолса, ал-батта, телефон қилиб уни табриқлаб қўяди. Ўзи қачон қайси нашрда мақоласи чиққан бўлса, ҳаммасини сақлаб юради. Шогирдлари тайёрлаган кўрсатувларга ҳам бефарқ эмас. Эфирдан сўнг кўнғирок қилиб, ўзи-нинг муносабатини билди-ради. Камчиликларни эса чиройли лутф билан ту-шунтиради. Шундай зий-рак нигоҳли устоз билан фахрланмай бўладими?

Бемалол айтишим мум-кинки, Қобилбек Каримбе-ков миллат ва ижод куюн-чаги, ҳалол-покиза, муо-лаҳа маданияти юксак, ширинсухан ва оқибатли инсон. Қобилбек ака фақат журналист эмас, ҳар бир сўзида ҳаёт фалсафаси му-жассам бўлган маърифат-парвар устоздир!

Устоз бугун табаррук 70 ёшини қарши олмакда. Кў-л-ў ёшининг муборак бў-лишини, устоз!

Гофур ЖАБИЕВ,
журналист

СИЗГА ҲАВАС ҚИЛСИН, КАТТА ШОИРЛАР



тафсил ва чиройли шарҳлаб бер-гани кўпчилиكنинг эътиборини тортди:

– «Сўзмунчоқ» лойиҳаси до-ирасида нашр этилган китоб-лар ҳозирги адабий жараённинг, жумладан, шеърининг умумий об-ҳавосини белгилашда, ёш ёки ўрта ёш шоирлар ижодида қайси мавзулар устуворлиги, уларни қандай саволлар қийнаётгани, замондан, даврдан, жамиятдан нимани талаб қилаётганини, бир сўз билан айтганда, замо-навий ўзбек шеърининг поэ-тик тенденцияларини ўранишида муҳим манба вазифасини бажар-ди. Ижод намуналарини таҳ-

лил қилганимизда маълум бўл-дики, муаллифлар жамиятдаги муаммоларга бефарқ бўлмай, ўз ички кечинмалари орқали уларни бадиий мушоҳада даражасига кўтармоқда. Натижада шеър нафақат эстетик завқ манбаи, балки маънавий тафаккурни уй-ғотувчи воситага ҳам айлан-моқда.

Адабиётшунос олим Адҳам-бек Алимбеков ҳам ҳар бир шеър-ий китоб – Нарғиза Асадова-нинг «Қушлар саловати», Ирода Умаровнинг «Гарашалик кўн-гил», Юлдуз ўрмоновнинг «Ах-тарим», Алишер Боймуродов-нинг «Бурч», Баҳодир Баҳром-нинг «Гулимоҳ», Сайфиддин Окановнинг «Тошлоқ кўчалар», Равшан Ҳақмуроднинг «Ҳадиқ», Бобур Элмуроднинг «Тождоҳил ул-ориф», Анвар Ботирнинг «Уч» китобларига киритилган тўрт-ликларни навбат билан таҳлил қилди. Ўзига хос ва эътиборини тортадиган мисраларни ўқиб берди.

– Баҳодир Баҳромнинг «Маст этади ҳаёт ифори» деган мисра-сини ҳамма шоирлар ўзига шор қилиб олишини истардим, – деди

А.Алимбеков. – Чунки баъзида ёш шоирлар ҳам «Ҳаётдан безиб кет-дим, тўйиб кетдим» мазмунда шеърлар ёзади. Ҳолбуки, инсон кўнгли дунёнинг яхшиликларини, гўзалликларини илай олиши, кўра олиши керак. Шунда ҳаммаси яхши бўлади.

Дарвоқе, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарини Қашқадарё вилояти бўйича мухбири Баҳодир Баҳром сўзга муҳаббати балинд ижодкор. У адабиёт мухлисларига 2008 йилда «Энг сулув армон», 2013 йилда «30 февраль» шеърый китобларини тақдим этган. «Гули-моҳ» унинг учинчи китоби.

Биз ҳамкасбимизни ва «Сўз-мунчоқ» рункида китоби дунё юзини кўрган барча ёш ижодкор-ларни тахририятимиз ходим-лари номидан қутлаймиз! Бугун сизга катта шоирлар ҳавасда. Буни тақдимотда сўзга чиққан-лар ҳам таъкидлашди. Шундай экан, ижодингиз тўхтамасин, китобларингиз доимо бошқа-ларни ҳавасда қолдираверсин, деймиш.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Табиат

Яқинда ижтимоий тармоқларда тарқалган бир видео кўпчиликини ҳам ҳайратга солди, ҳам чуқур мушоҳадага чорлади. Унда бир гуруҳ қарғалар тумшугида тамаки қолдиқларини те-риб келиб, махсус қутиларга ташлаётгани тасвирланган. Эвазига уларга мукофот сифатида емиш берилар экан...

ЎЗИМИЗНИ ЎЗГАРТИРАЙЛИК...

Рости, қойил қолмай илож йўқ: одам-зод бу гал ҳам қушга интизомни ўргата олди. Аммо ўзимиз-чи? Нега онгли мав-жудот ҳисобланган инсон ўзи яшаб турган муҳитини асрашда ўша қушчалик бўлолма-япти?

Биз мактабларда болаларимизга атроф-муҳитни севишни, табиатни асрашни чиройли сўзлар билан ўргатиб келамиз. Дарс-ликларимиз она табиатнинг гўзаллиги, бир дона даракнинг аҳамияти ҳақидаги матн-лар билан тўла. Аммо нега натижа кўнгилда-гидек эмас?

Сабаби эса оддий: болалар қулоқлари бил-ан эмас, кўзлари билан тарбия топади. Бола мактабда «табиатни асра» деган сабоқни олади-ю, уйга қайтаётган машина ойнасида қичинди улоқтираётган катталарни кўради. Баъзида эса «намунали» отасининг машина-сида ўтирганида, у бўшаган сув идиши ёки тамаки қутисини ҳеч нарса бўлмагандек йўл четига улоқтириб юборганига гувоҳ бўлади. Бундай вазиятга ҳар қандай педагогик усул ўз кучини йўқотади, чунки шахсий намуна –

энг қудратли тарбиячи. Биз дарсада табиатни севишни ўргат-сак-да, амалиётда бола мутлақ аксини кўр-моқда. Бундай ҳолатда унинг онгида зиддият пайдо бўлади: китобдаги гапларни шунчаки «эртақ», катталарнинг қилмишини эса «ҳаёт қоидаси» деб қабул қила бошлайди.

Биз фарзандимизга табиатни севишни ўргатишдан олдин ўзимиз унга хиёнат қил-масликни ўрганишимиз керак. Наҳотки, қаргага берилган бир сиким емиш қадри бизга берилган бебаҳо неъматлар – тоза ҳаво ва зилол сув қадридан балинд бўлса? Инсон учун энг катта мукофот – мусаффо ҳаво, тоза сув ва фарзандларининг соғлом муҳитда ўсишидир. Биз бугунги бефарқлигимиз бил-ан фарзандларимиз келажагини «қичинди-хонага» улоқтиряпмиз.

Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қи-лади» деган аjoyиб нақл бор. Агар биз бугун машина ойнасида қичинди улоқтиришни тўхтатмас эканмиз, эртага фарзандимиз-дан «Нега табиатга бефарқсан?» деб сўрашга маънавий ҳақимиз қолмайди. Эртанги кун

маданияти бугунги ташланган бир дона қичиндининг қаерга тушишига боғлиқ. Та-биатни севиш бу шунчаки балиндпарвоз гап-лар ёки шiorлар эмас, балки қўлингидеги қичиндини энг яқин жойдаги қутигача кўта-риб бориш маъсулиятидир.

Келинг, онгли инсон сифатида инти-зомни ўзимиздан бошлайлик. Зеро, табиат биздан кейин ҳам яшashi керак. Ўзимизни ўзгартирайлик, шунда дунё ҳам ўзгаради.

Гўзал АКРАМОВА,
Боёут туманидаги 8-умумтаълим мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари



Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Дилнур Қодиржонова ижросида
«Ошиқларга ўлим йўқ»
қўшиғи

Эрам каби бўстоннинг гулзорига йўлим йўқ,
Қўллариндан тутмоққа журъат қилар қўлим йўқ,
Сенсиз ўзим йўқдирман, сенсиз куним, туним йўқ,
Улай десам ўлмадим, ошиқларга ўлим йўқ...

Рислий Хотамова шеъри

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVA, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 988-00-27
Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Alijon ABDURAHMONOV
Musahhir:
Umida XUDOYBERGANOVA
Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bo'shlig'a topshirish vaqti: – 21:30
Topshirildi: – 21:30

Bahosi kelishilgan narxda
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 55 230 ta
Shundan: 6 558 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 471 nusxasi
«Eruditi» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
9 201 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-411**
1 2 3 4 5 6